Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 249 (13.205).
23 ОКТЯБРЬ 1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг қарор топиши даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин абадий барҳаёт, ҳамиша зафарли революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга, КПСС Программасини бажаришга сафарбар этингиз!

Яшасин Коммунистик партиянинг ленинча бош йўли!

5. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиринглз!

6. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга алангали салом!

7. Яшасин бутун дунё ишчилар синфи! Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

8. Яшасин халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми, Москва кенгашларининг Декларацияси ва Баёноти асосидаги бирлиги ва жипслиги!

9. Социализм мамлакатларининг халқлари, миллий озодлик кураши олиб бораётган халқлар, бутун дунё меҳнаткашлари! Империализмга ва мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда ўз куч-ғайратларингизни бирлаштиринглз!

10. Жаҳон халқлари! Шармандали мустамлакачилик қуллиги системасини батамом ва узил-кесил тугатиш учун, империализмга қарамликнинг ҳамма формаларига қарши, ирқий жабр-зулмга қарши курашингиз!

11. Барча мамлакатларнинг халқлари! Уруш оловини ёқувчи империалистларнинг кирдикорларини фош қилингиз! Ёпасига ва батамом қуролсизланиш, ядро қуролини тақиқлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, бутун дунёда тинчлик учун курашни кучайтиринглз!

12. Жаҳон халқлари! Америка империализмининг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий интервенциясини ва унинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессив ҳаракатларини тўхтатиш учун курашингиз! АҚШ қуролли кучларининг Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилингиз!

Қаҳрамон Вьетнам халқи билан халқаро бирдамлик кенгая берсин ва мустаҳкамлана берсин!

13. Жаҳон халқлари! Империалистларнинг НАТОда кўп томонли ядро кучлар барпо этиш планларига қарши, Ғарбий Германия реваншчиларининг ядро қуролига шерик қилинишига қарши курашингиз!

14. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ғарбий Германиядаги реваншчи ва милитарист кучларнинг жиловлаб қўйилишини, нацист ҳарбий жиноятчиларнинг қаттиқ жазоланишини, Германия билан судҳ шартномаси тузилишини талаб қилингиз!

15. Яшасин халқаро ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг энг буюк ғалабаси — жаҳон социалистик системаси!

Барча социализм мамлакатлари халқларининг жипслиги, қардошларча дўстлиги ва бирлиги мустаҳкамлана берсин!

16. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Хитой улуғ халқларининг империализм ва мустамлакачиликка қарши, социализм, тинчлик ва миллий мустақиллик учун курашдаги жипслиги!

17. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва албан халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлана берсин!

18. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган, Америка агрессорларига қарши, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Германия Демократик Республикаси!

22. Социализм қураётган ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

23. Социализм қураётган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи! Яшасин совет ва Куба халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Куба Республикаси!

24. Социализм қураётган Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва монгол халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

26. Социализм қураётган Руминия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

28. Социализм қураётган Югославия Социалистик Федератив Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва югослав халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

29. Мустақил, миллий, демократик давлатни барпо этаётган, ўз мамлакатини социалистик асосда ривожлантириш учун курашаётган Бирлашган Араб Республикасининг халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

30. Мустақил миллий давлатни барпо этаётган, ўз мамлакатининг социал тараққиёти учун курашаётган қаҳрамон Жазоир халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

31. Мустақил, демократик давлат учун, ўз мамлакатининг социал тараққиёти учун курашаётган Бирма халқларига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Бирма халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

32. Мустақил, миллий, демократик давлатларни барпо этаётган, ўз мамлакатларининг социал тараққиёти учун курашаётган Гана, Гвинея, Конго (Браззавиль) ва Мали халқларига қизғин салом! Совет Иттифоқи халқлари билан Гана, Гвинея, Конго ва Мали халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

33. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

34. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

35. Америка империализмининг қуролли интервенциясига қарши ва халққа душман бўлган сотқин режимга қарши, ўз ватанини демократик асосларда бирлаштириш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Вьетнамнинг мард халқига қизғин салом!

36. Америка қўшинларини чиқартириб юбориш учун, ўз ватанини тинч йўл билан қайта бирлаштириш учун курашаётган Жанубий Кореянинг мард халқига қизғин салом!

37. Тинчлик учун ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Камбоджа, Лаос, Непал ва Цейлон халкларига қизғин салом!

38. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлана берсин!

39. Мустамлакачиликни батамом тугатиш, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

40. Империализмга қарши, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Арабистон халқларига қизғин салом!

41. Мустамлакачилик ва империализмга қарши, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, миллий экономика ва маданиятни ривожлантириш учун курашаётган Африка давлатлари халқларига қизғин салом!

42. Ички ва ташқи реакцияга қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бораётган Конго халқига қизғин салом!

43. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Ангола, Мозамбик, Португалия Гвинеяси, Жанубий Родезия ва Жанубий Африка халқларига қизғин салом!

44. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг тўла мустақиллиги учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

45. Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

46. Совет халқи билан Греция ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

47. Совет халқи билан Эрон, Покистон ва Туркия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

48. Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва прогрессив кучларига қизғин салом!

49. Фашист режимларига қарши, демократик эркинликлар учун мардона курашаётган Испания ва Португалия халқларига қардошлик саломи!

50. Яшасин Совет Иттифоқи билан Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

51. Фин халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлана берсин!

52. Совет халқи билан Дания, Исландия, Норвегия, Швеция, Бельгия ва Голландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

53. Ўз мамлакатининг тўла мустақиллиги учун, Америка ҳарбий базаларига қарши курашаётган япон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Япония халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин!

54. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

55. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

56. Совет жангчилари! Армиянинг ва флотнинг қаҳрамонона традицияларини муқаддас сақлангиз ва кўпайтиринглз, жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришингиз, ҳушёр бўлингиз ва ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга ҳамиша тайёр бўлиб турингиз!

57. Совет социалистик давлатининг бузилмас негизи — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустаҳкамлансин ва равнақ топа берсин!

58. СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги абадий яшасин ва яшнай берсин!

59. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун курашаётган коллективлар ва зарбдорларга шон-шарафлар!

Ишлаб чиқаришнинг барча илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

60. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватанимиз қудратининг ва халқ фаровонлигини янада оширишнинг негизи бўлган социалистик мулкни мустаҳкамлангиз!

61. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун, социалистик саноатни янада юксалтириш учун курашингиз!

62. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва капитал маблағларнинг самарасини оширингиз, асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўлиқроқ фойдаланингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштиринглз!

63. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Технологияга ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлангиз, хўжалик ҳисобини ривожлантиринглз, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширингиз!

64. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини оширингиз! Маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархни камайтириш учун курашингиз!

65. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ихтисослаштириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга оширингиз, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилингиз!

66. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Моддий ресурслар ва давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлашга эришингиз! Ҳўжасизликка, ортиқча харажатларга ва исрофгарчиликка қарши курашингиз!

67. Совет металлурглари ва кончилари! Руда қазиб чиқаришни, чўян, пўлат, прокат, қувурлар, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни кўпайтиринглз!

68. Совет энергетиклари, электр станциялари ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Энергетикани ғоят тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш самарасини пасайтиринглз!

69. Машинасозлик ва приборсозлик саноати ходимлари! Техниканы тараққий эттириш учун, халқ хўжалигини энг янги машиналар ва приборлар билан таъминлаш учун курашингиз!

70. Нефть ва газ саноати ходимлари! Нефть ва газ чиқаришни кўпайтиринглз! Янги нефть ва газ конларини тезроқ ўзлаштиринглз!

71. Химия саноати ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқариш мақсадида химия маҳсулотлари тайёрлаб беришни кўпайтириш ва шу маҳсулотлар сифатини ошириш учун курашингиз! Қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини кўпроқ берайлик!

72. Совет геологлари! Ватанимизнинг битмас-туганмас бойликларини тезроқ очиб беринглз!

73. Кўмир саноати ходимлари! Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиринглз, унинг таннархини камайтиринглз! Кончилик техникасидан яхшироқ фойдаланинглз!

74. Совет бинокорлари! Қурилиш ишларининг сифатини ва сифатини оширингиз! Шаҳар ва қишлоқлардаги ишлаб чиқариш, уй-жой, коммунал ва маданий-маиший объектларни тезроқ фойдаланишга топширинглз!

75. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Бинокорлик материаллари, буюм ва конструкциялар ишлаб чиқаришни кўпайтиринглз, сифатини оширингиз!

76. Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

77. Енгил, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати ходимлари! Саноат ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиринглз, хилларини яхшиланглз, сифатини оширингиз!

78. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтиринглз, балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшиланглз ва таннархини камайтиринглз!

79. Транспорт ходимлари! Транспортни замонавий техника воситалари билан таъминланглз! Юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартиринглз, юк ташиш таннархини камайтиринглз, пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатинглз!

80. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантиринглз ва такомиллаштиринглз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиланглз!

81. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Колхоз ва совхозлар экономикасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш — бутун партиянинг, бутун халқнинг иши! Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ишлаб чиққан энг зарур чораларини амалга ошириш учун қунт билан курашингиз!

82. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини муваффақиятли бажарган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига шон ва шарафлар!

83. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини оширингиз, фан ютуқлари билан илғор тажрибани ишлаб чиқаришга тинмай жорий қилингиз!

84. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиринглз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, ҳар бир колхоз ва совхознинг рентабелли бўлишига эришингиз!

85. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Маҳаллий ва минерал ўғитлардан яхшироқ фойдаланингиз, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширингиз!

86. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Жамоат чорвачилигини ривожлантиринглз! Ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз, ем-хашакдан рационал фойдаланингиз!

87. Колхозчилар! Жамоат хўжалигини мустаҳкамлангиз! Қишлоқ хўжалик артели ишларини идора қилишда активликни кенгайтиринглз!

88. Колхоз ва совхозларнинг механизаторлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни юксалтириш учун курашингиз! Техникани яхшилаб ўрганингиз, ундан унумли фойдаланингиз ва уни авайлаб сақлангиз!

89. Қишлоқ хўжалик фани ходимлари! Практиканы янги кашфиётлар ва ютуқлар билан бойитингиз, колхоз ва совхозлар билан ҳамиша мустаҳкам алоқада бўлингиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшингиз!

90. Давлат ва кооператив савдоси ходимлари! Савдони ва умумий овқатланишни такомиллаштиринглз, аҳолига яхшироқ хизмат кўрсатингиз!

91. Маиший хизмат ходимлари! Совет кишиларига хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшиланглз, уларнинг талабларини тўлароқ қондиринглз!

92. Совет муассасаларининг ходимлари! Омма орасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишни яхшиланглз! Бюрократизмни таг-томири билан йўқотингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига сезгирлик билан қаранглз!

93. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фаннинг янада равнақ топиши учун, техника тараққиёти учун курашингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлаб берингиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

94. Космик фазони ўзлаштиришда янги уфқлар очган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!

95. Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Совет халқи қилаётган қаҳрамонона ишларининг улуғворлиги ва гўзаллигини, коммунистик идеалларнинг ғалабаси учун олиб борилаётган курашни ёрқин акс эттиринглз!

96. Матбуот, радио ва телевидение, нашриётлар ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Меҳнаткашларни марксизм-ленинизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда партияга актив ёрдам берингиз!

97. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитишни такомиллаштиринглз, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтиринглз, ёш авлодни меҳнатсеварлик, коллективизм, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбияланглз!

98. Медицина ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиланглз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз! Совет кишисининг саломатлиги учун курашингиз!

99. Яшасин бизнинг умумхалқ социалистик давлатимиз! Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамлана берсин, мамлакат ишларини идора қилишда меҳнаткашларнинг активлиги ўса берсин!

100. Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

101. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

Она бўлиб болаларни тарбиялаётган, ишлаб чиқаришда ва рўзғорда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган аёлларга шон-шарафлар!

102. Меҳнат ва уруш ветеранлари! Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ёшларни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат традициялари асосида тарбиялашда активликни қатнашингиз!

103. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — ленинчи комсомол!

104. Йигит ва қизлар! Билимларни сабот билан эгалланглз, коммунистчасига ишлаш ва яшашни ўрганингиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

105. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Яхши ўқинглз, меҳнатни севинглз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланинглз!

106. Коммунистлар ва комсомоллар! СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлинглз!

107. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси — ер юзида тинчлик ва ҳамма кишиларнинг бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

108. Яшасин партия билан халқнинг бузилмас буюк бирлиги!

109. Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

110. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

111. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

112. Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ҚУТЛУҒ ИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Сентябрь Пленуми ўз ишини тамомлаганига эндигина бир ой бўляпти. Лекин шу қисқа вақт ичидаёқ саноатимиз меҳнат аҳлининг кайфияти, иш тутишлари анча ўзгарди. Улар тетик руҳ билан, ҳеч қандай дабдабабозликсиз, шовқин-суронсиз, ишнинг кўзини билиб, кирим билан чиқимнинг фарқига бориб иш тутишга киришдилар. Ҳозир ҳар бир корхонада кечаги куннинг хатолари таҳлил қилиб кўриляпти. Пленум эса шу хатоларнинг ўқ илдизларини кўрсатиб берган эди.

Бирғина бу эмас, мутахассислар ўртасида КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми берган ҳуқуқлардан қандай фойдаланиш, у белгилаган тадбирларни корхона шароитида қандай амалга ошириш ҳақида баҳслар кетяпти. Фикр-ўйлар, таклиф-мулоҳазалар туғиляпти. Яқинда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг бир группа куйгинчак кишилари —мутахассисларидан «интервью» олдик. Уларга:

— Сентябрь Пленумидан кейин кайфият қанақа? У белгилаган тадбирлар ҳақида қандай фикрдасиз?—деган савол билан мурожаат қилдик. Мана, уларнинг жавоблари...

Кокс установкасининг бошлиғи Навиль ГАСКАРОВНИНГ айтганлари

Менинг фикримча, Пленум шарофати билан эндиликда саноатдан ҳовлиқмалик, асабийлик, оғзиполвонлик, ўта маъмуриятчилик, буйруқбозлигу қоғозбозликлар бир умрга чиқиб кетади. Уларнинг ўрнини ишончи эгаллайди. Шу ишончнинг ўзи одамларда топширилган ишга нисбатан масъулиятни оширади. Ишхонамизга осойишталик кириб келади. Бу осойишталик баъзи бировлар ўйлаганидек сокинликка айланиб кетмайди, балки у мутахассисларга ижодий мустақиллик очиб беради, ҳар бир мутахассис ўзича ташаббус кўрсатиб ишлаши мумкин бўлиб қолади.

Шу муносабат билан сизга бир воқеани айтиб берай. Тағин ишониб-ишонмай ўтирманг, бўлган воқеа. Ўтган йилнинг бошларида ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ республика Халқ хўжалиги кенгаши кутилмаганда электрод кокс ишлаб чиқариш қувватини ишга туширишни тезлаштириш ҳақида буйруқ устига буйруқ берди. «Кўпингиздан келганини аяманг-гу, бу йил маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминланг. Кокс ҳаводан ҳам зарурроқ» деган мазмунда телеграмма устига телеграмма ёғилди. Ҳамма кучлар кокс установкасига ташланди. Ишни икки-уч сменада ташкил этиш, «ҳа бўл», «ҳа, бўл» эвазига установка муддатдан икки ой илгари фойдаланишга топширилди. Лекин қувонч узоққа чўзилмади. Установкани тўхтатишга тўғри келди. Унинг маҳсулотини оладиган ташкилот топилмай қолди Кокс истеъмолчилари уни кўп миқдорда чет элдан сотиб олиб қўйишган экан. Республика Халқ хўжалиги кенгаши эса улар билан тузуқ-қуруқ шартнома ҳам тузмаган экан. Ўйламай қилинган иш қанчадан-қанча ташвиш келтирди.

Эндиликда истеъмолчилар ҳам тайин бўлиб қолай деяпти. Коксимизнинг сифати яхши бўлгани учун ҳам Япония унга харидор бўлиб турибди. Яқин вақт ичида Челябинск электрод заводи ҳам бизнинг коксда ишлашга ўтишни мўлжаллаяпти. Установканинг қуввати ошиб бораётир.

Завод директори Рафаэл ШАХНАЗАРОВНИНГ айтганлари

Реал план хўжаликни кўтаради, нореал план чўктиради. Турмуш тақозоси шундай. Бу хусусда Пленум белгилаган тадбирлар бизни кўп хушнуд қилди.

Мана, энди корхона раҳбарларининг ҳуқуқлари, ишлаб чиқариш командирларига ишонч ортиши билан кўпни кўриб кўзи пишган мутахассислар сидқидилдан, масъулият сезиб иш тута бошладилар. Ҳозир улар Пленум белгилаган тадбирларнинг моғзини чақишяпти. Бу тадбирларни амалга ошириш вақтида туғилган проблемаларни ҳал қилиш йўлларини излашмоқда. Бундай проблемалар эса оз эмас. Масалан, маҳсулотни реализация қилиш плани билан боғлиқ бир нарса. Темир йўл вагонлар корхона дарбозасида туриб қолганини учун заводдан катта жарима олади. Лекин вақтида шартномадаги вагонларни корхонага етказиб бермагани учун нега энди темир йўл ҳам жарима тўламайди?.. Хом ашё ташиб беришда ҳам худди шу аҳвол. Хом ашё вагонлардан вақтида тушириб олинмаса, корхона жаримага ботади. Лекин хом ашё ортилган вагонлар станцияларда бир неча кунлаб қолиб кетиб, кечикиб кетса ҳам майли! Бунда ҳам корхона хом ашё йўқлигидан иш тўхтаб, зарар кўриб қолаверади. Темир йўл ташкилотларига эса ҳеч ким ҳеч нарса деволмайди. Шу тўғрими?!..

Бизнингча, планининг бажарилиши бир-бири билан боғлиқ бўлган корхоналар бир хил масъулият сезмаса, оғирлик битта корхонанинг устига тушаверади. Уларнинг зиммасига бир хилда масъулият юклаш керак, токи ҳамма аравани баравар тортсин!

Яна бир проблема ўзининг кечиктирилмай ҳал қилинишини талаб қилаётир. Гап шундаки, корхонамизда қишлоқ хўжалиги учун ҳам нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Улар маълум даврдагина қишлоқ хўжалигига керак бўлади. Шу сабабли бошқа вақтларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар корхонада тўпланиб қолаверади. Бунинг оқибатида резервуарлар тўлиб-тошиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни баъзи вақтларда тўхтатишга бориб етамиз. Бир меъёрда ишлаш йўқолади. Наҳотки бундан қутилиш иложи бўлмаса, дерсиз. Бор. Бунинг бирдан-бир иложи заводдан ташқарида ана шу маҳсулотларни сақлайдиган база қуришдир. Аҳир завод—нефть маҳсулотлари сақлайдиган ёки бўлмаса у билан савдо қиладиган база эмас-ку, у маҳсулот ишлаб чиқариши керак-ку. Лекин тегишли ташкилотларга бу оддий ҳақиқатни тушунтириш шунчалик оғир бўляпти, аста қўяверасиз.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. АЗИЗОВ, М. С. ОРИПОВА ва М. РИЗАЕВГА «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонини бериш тўғрисида

Республика саноати, қурилиши ва қишлоқ хўжалиги учун ишчи кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ва профессионал-техника таълими системаси ташкил этилган кунга 25 йил тўлиши муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилсин:

1. **Азизов** Мўмин — Қашқадарё область 20-Яккабоғ қишлоқ профессионал техника билим юртининг ўқитувчиси.

2. **Орипова** Марям Содиқовна — Фарғона шаҳридаги 45-махсус профессионал техника билим юртининг ўқитувчиси.

3. **Ризаев** Маматрасул — Тошкент шаҳридаги 31-шаҳар профессионал техника билим юртининг директори.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1965 йил 21 октябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. Ф. БЕЛЯНСКИЙ ва Б. П. ГРАБОВСКИЙГА «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи» фахрий унвонини бериш тўғрисида

Электрон-нур ёрдамида тасвирни йироққа узатиш ва қабул қилиб олиш усулида ишлайдиган аппаратни ихтиро қилганликлари, шунингдек шу аппаратни Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда 1928 йил 26 июнда синаб кўрганликлари учун Иван Филиппович **Белянский** ва Борис Павлович **Грабовскийга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1965 йил 21 октябрь.
Тошкент шаҳри.

САМИМИЙ ТАШАККУР

Германия Демократик Республикасининг раҳбарлари В. Ульбрихт, В. Штоф, И. Дикман, Э. Корренс ўртоқлар Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, А. Н. Косигин ўртоқларга телеграмма юбордилар. Улар бу телеграммада Германия Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 16 йиллиги муносабати билан ўзларига ва Германия Демократик Республикасининг барча гражданларига йўллаган самимий табрик ва истаклари учун миннатдорчилик изҳор қиладилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ЎҚИШИ ЯНГИ ЙИЛИ ОЛДИДАН

ЯХШИ ТАЙЁРЛАНАМИЗ

Партия ўқиши системасида машғулотлар бошланадиган кун тобора яқинлашяпти. Область партия ташкилоти ҳақиқий марксча-ленинча ўқишни йўлга қўйиш, коммунистларнинг талаб-эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида партия маорифи системасини янада такомиллаштириш учун бирмунча тадбирларни амалга оширмоқда.

Партия пропагандасининг қайта қурилиши бу йил партия ўқуви системасига бир қанча янгиликлар киритишни тақозо қилаётир. Коммунистлар, партиясизлар активи марксча-ленинча ўқишининг янгича ташкил этилиши, шубҳасиз, марксча-ленинча назарияни ҳар томонлама пухта эгаллаб олиш, унинг таркибий қисмлари бўлган фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм асосларини, партия тарихини яхши ўрганиш, назарий-сиёсий билимларини амалда татбиқ қилиш малакасини орттиришларида катта ёрдам беради.

Область партия ташкилоти янги ўқув йилига тайёргарликни кучайтиришга интилаётир. Коммунистлар, партиясиз активларга йиғилишларда, оғзаки суҳбатларда сиёсий ўқишнинг мақсади, унинг янги структураси, форма, методлари, ўқув планлари, программа ва дарсликлар тушунтириб бериляпти.

Областнинг шаҳар, районларида янги ўқув йили учун партия ўқиши системасини тузиш иши деярли тугалланди. Ўқув тармоқларини тингловчилар билан тўлдириш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Коммунистларнинг истаклари, талаблари ҳар тарафлама эътиборга олинди, уларнинг ҳозирлик даражаси бултургига нисбатан анча оширилди.

Андижондаги «Қоммунар» заводи, Володарский номли тикувчилик фабрикаси, Наманғандаги 2-пахта тозалаш заводи, Ўчқўрғон ёғ-экстракцион заводи ва Ленин номли совхоз, Қўрғонтепа районидаги «Ойим» совхози, Андижон районидаги Тельман номли колхоз ва бошқа районлардаги партия ташкилотлари коммунистларнинг ўқувига тайёргарлик ишлари билан яхши шуғулланмоқдалар, партком ва партия бюроларининг аъзолари, тажрибали пропагандистлар коммунистлар, партиясизлар билан яккама-якка суҳбатлашиб, уларга ўқишнинг ўзларига мос келадиган хилини танлашда кўмаклашмоқдалар. Бу партия ташкилотларида ўқув тармоқларини тингловчилар билан тўлдириш ишлари чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилди.

«Қоммунар» заводи партия комитетида 3 та сиёсий мактаб тузилди. Унда 55 коммунист, 36 партиясиз актив таълим олади. Коммунистлардан уч киши шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм кечки университетида, қолган 18 коммунист эса бошқа ўқув юртларида ўқийди. Партия комитети, яхши пропагандистларни танлаб тасдиқлади. Булар орасида завод директори Н. Муродов, бош инженер К. О. Вахрушев, инженер А. Н. Иванов ўртоқлар бор.

Володарский номли тикувчилик фабрикаси партия ташкилотларида 4 та бошланғич сиёсий мактаб, 1 та марксизм-ленинизм асослари мактаби ташкил этилди. Бу мактабларда 141 коммунист, 52 партиясиз актив ўқишга қарор қилди. Марксизм-ленинизм кечки университетида 4 коммунист ва бошқа ўқув юртларида эса 25 коммунист таълим олмоқчи.

Кўпчилик коммунистлар бошланғич сиёсий мактаблар ва марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мактабларида билим олиш истагини билдирмоқдалар. Шунинг учун бунга алоҳида эътибор беряпмиз. Областда 1112 та бошланғич сиёсий мактаб тузияпти. Бу мактабларда етарли умумий тайёргарликка эга бўлмаган коммунистлардан 22.360 киши ўқийди. Бошланғич сиёсий мактабни битириб чиққан 5100 коммунист марксизм-ленинизм асослари мактабида ўқишни давом эттиради. Областимизнинг шаҳар, қишлоқларида 260 та шундай ўрта звеноли мактаб тузилди.

Марксизм-ленинизм асосларини эгаллаган, мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлган 9 мингдан ортиқ коммунист назарий семинарларда мустақил ўқиш ҳоҳишини билдирмоқда. Раҳбар кадрларнинг назарий ўқишига эътиборни кучайтиряпмиз. Шаҳар, район партия комитетлари қошида партия, совет, хўжалик активлари мактаблари туздик. Марксизм-ленинизм кечки университетлари янги программа бўйича ўз ишларини давом эттирадилар. Уларда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган 800 га яқин коммунист таълим олади.

Булардан ишимизда ҳеч қандай камчилик йўқ, деган маъно келиб чиқмайди. Бу гоят муҳим ишга юзаки муносабатда бўлаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Ленин, Задарё, Ўчқўрғон, Чуст ва Янгиқўрғон районларидаги баъзи партия ташкилотларида коммунистларнинг бир қисми партия маорифи системасида ҳозиргача ўқишга жалб этилгани йўқ.

Андижон ва Наманган шаҳарларида, шунингдек, Ҳўжаобод, Андижон каби қатор районларда марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганувчи коммунистлар қаторига марксизм-ленинизм асосларини билмайдиган кишиларни ҳам қўшиб юбориш ҳоллари юз берди. Бўз, Москва районларида ҳатто ўрта маълумотга эга бўлмаган, китоб устида ишлашни билмайдиган кишиларни назарий семинарларда мустақил ўқишга қабул қилинган. Наманган ва Избоскан районларида эса олий ва тўлиқсиз олий маълумотли кишилар бошланғич сиёсий мактабларга қабул қилинган.

Область партия комитети янги ўқув йилига тайёргарлик кўришдаги бу ва бошқа камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар белгилаб, уларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

Пропагандист кадрларни яхши саралаяпмиз. Ҳозироқ 2930 пропагандист танланиб, шаҳар, район партия комитетларининг тасдиқидан ўтказилди.

Партия, совет ва касаба союз ходимларидан 469 киши, хўжалик раҳбарларидан 263 киши, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва илмий ходимлардан 67 киши, ўқитувчилардан 1441 киши, инженер-техник ходимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан 511 киши пропагандистлар сафига тортилди.

Область партия ташкилоти пропагандистларининг методик маҳорати ва назарий билимини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиб келяпти.

Яқин кунларда партия ўқиши системасида машғулотлар бошланиши олдидан область ва районлараро 5-7 кунлик курс-семинарлар ўтказилади. Буларда 1500 дан ортиқ пропагандист қатнашади.

Партия комитетлари сиёсий маориф кабинетларининг фаолиятини яхшилаш, уларни пропагандистларга назарий ва методик ёрдам кўрсатиш марказига айлантириш мақсадида қатор тадбирий чоралар кўрмоқдалар.


Область партия комитети энг яхши пропагандистларнинг иш тажрибаларини ўрганиб, оммалаштирмоқда. Область пропагандистлари «Ҳурмат китоби»нинг ташкил этилиши бунинг ёрқин далилидир. Бу китобга биринчи бўлиб энг яхши пропагандистлардан 20 кишининг номи ёзилди. Яқинда махсус плакат чиқардик. Унда тажрибали пропагандистларнинг иши ҳикоя қилинади.

Аввалги йилларга қараганда бу йил янги ўқув йили бошланишидан анча олдин ўқув планлари ва программалари келди. Партия комитетлари уларни ҳар бир пропагандист ва мактаб, семинар тингловчиларига, мустақил ўқувчиларга етказиш чораларини кўрмоқдалар. Лекин ўзбек тилидаги адабиётлар ва дарсликлар чиқариш кечикмоқда. Ваҳоланки, бу барча пропагандистлар учун жуда зарур.

Партия ташкилоти ҳар бир коммунист ва партиясиз, ҳар бир коммунизм қурувчиси революцион таълимотни пухта эгаллаб олиши, назарий ва сиёсий ўқувни тағин ҳам мароқли қилиш тўғрисида ўйламоқда. Шу билан бирга ёшларнинг сиёсий ўқувини ҳам эътибордан четда қолдираётганимиз йўқ. Партиямизнинг бутун ғоявий бойлиги коммунистлар, партиясизлар ва айниқса ёшларнинг мулки бўлиб қолсин, деган шиорни ўртага ташлаяпмиз.

Областимиз меҳнаткашлари, коммунистлар, комсомоллар, пропагандистлар КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленуми материалларини чуқур ўрганмоқдалар. КПСС XXIII съезди чақирилиши тўғрисидаги хуш хабар саноат корхоналаридаги, пахта далаларидаги азаматларнинг, бутун меҳнат аҳлининг қувончига-қувонч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Чунки жонажон партиямизнинг навбатдаги съезди мамлакатимизда коммунизм тўла тантанасининг янги истиқболларини белгилаб беради. Биз янги ўқув йилида КПСС Марказий Комитети тарихий пленумларини, партия XXIII съезди материалларини ҳам марксизм-ленинизм ижодий назариясига қўшиладиган ҳисса деб чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берамиз.

Р. ФАИЗИЕВ,
Андижон область партия комитетининг секретари.



ОҲАНГАРОН қурилиш материаллари ва пластмасса буюмлари комбинатининг маҳсулотларига эҳтиёж тобора ортиб боряпти. Ҳозир бу ерда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган полиэтилен қувурлар ва бошқа буюмлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: корхонанинг бош технологи Ш. Иноятов тайёрланган маҳсулот намуналарининг сифатини кўздан кечирмоқда.

Г. Пуи фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚИШЛОҚ ЎҚИТУВЧИЛАРИ

Райком секретари Насри Тошев Свердлов қишлоғига тонг паллада етиб келди. У дастлаб, мактаб директори ва ўқитувчилар билан учрашди. Яқинда Ўзбекистон партия активи йиғилишида муҳокама қилинган масалалар ҳақида улар билан узоқ гаплашди. Энг муҳим масалаларни ён дафтарига ёзиб олди. Айрим ўқитувчиларнинг тажрибасини кенг қўллаш зарурлигини айтди, мактаб партия ва комсомол ташкилотларининг фаолиятини янада ошириш ҳақида маслаҳатлар берди.

Н. Тошев райкомга қайтгач, мулоҳазаларини райком бюросига етказди. Мактаб бошланғич партия ташкилотининг коллектив ўртасида таъсирини кучайтириш, суҳбат, доклад ва лекцияларни кўпайтириш ва унинг савиясини ошириш зарурлиги ҳақидаги таклифларини ўртага ташлади. Амалий таклифлари бюро аъзолари жуда маъқуллашди. У бир неча кундан кейин яна қишлоққа чиқди.

Бу ерда анча ўзгариш бўлибди. Масалан, қишлоқда магазин, мактабда буфет очилибди. Ўша куни ўқитувчилардан 3 киши пенсияга узатилди, 50 ёшга тўлган беш ўқитувчининг юбилейи ўтказилди, уларга район партия комитетининг фахрий ёрлиқлари, область ва район мақтов ёрномаларининг совғалари топширилди. Бу тадбирлар қишлоқ аҳолисининг тўйига айланиб кетди. Навбатдаги райком бюросида эса ана шу қишлоқнинг ёш ўқитувчиларидан икки киши КПСС аъзолигига кандидат ва уч киши КПСС аъзоси сафига қабул қилинди. Узоқдан қатнайдиган болаларни мактабга узлуксиз қатнаши учун Свердлов номли Ғатарни колхоз правлениеларни алоҳида машина ажратдилар.

Мактаб бошланғич партия ташкилотининг ва ота-оналар йиғилиши бўлиб, унда болалар тарбиясига оид муҳим масалалар муҳокама қилинди. Айрим ота-оналарни оилада бола тарбиясига эътибор бермаётганлиги, баъзи коммунист ва раҳбар ходимларнинг ўғил-қизлари мактаб коллективини менсимаётгани танқид қилинди.

Район партия комитети томонидан мактабларда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг кучайтирилиши ҳамда ўқитувчиларга ғамхўрликни оширилиши яхши натижалар беряпти. Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Яхши Новрўзов райкомнинг қишлоқ ўқитувчилари тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги ҳақида гапириб, бундай деди:

— Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини меҳнаткашларга етказишда қишлоқ ўқитувчиларининг роли катта. Улар агитация ва пропаганда ишларида бизга яқиндан ёрдам беришяпти. Районимиз хўжаликларида юзга яқин дала шийпони бор. Уларни намунали қилиб жиҳозлашда ўқитувчиларнинг хизмати катта бўляпти. Жумладан, Свердлов номли колхознинг 12 дала шийпони ўқитувчилар ташаббуси билан оммавий-сиёсий ишлар марказига айланган. Агитатор Кўкламова, Отаев, Жўраев, Умаров ўртоқлар пахтакорларга ҳар куни газета, журналлар ўқиб беришади, ҳар кеч темаларда суҳбатлар ўтказишади, «Жанговар варақа»лар чиқарадилар.

Район секретари ҳақ гапни айтди. Қишлоқ ўқитувчиларининг жонкуярлиги туфайли ҳар куни колхоз радиоузелидан пахта йиғим-терими илғорлари ҳақида эшиттиришлар берилади. Пахта йиғим-теримига қишлоқ ўқитувчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Шунинг учун ҳам қайси бир ўқитувчи билан гаплашманг районнинг 63 минг тонналик улкан хирмонига ўз ҳиссасини қўшаётгани ҳақида фахр билан гапиради. Дарҳақиқат, қишлоқ ўқитувчилари колхозчиларга яқиндан кўмаклашишяпти. Бу ишда район партия комитетининг ҳам ҳиссаси катта бўляпти.

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ҒАЛАБАСИ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

РОССИЯ ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқликда Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширган Улуғ Октябрь социалистик революцияси Россия халқлари тарихида ғоят буюк бурилиш ясаб, бутун инсониятнинг тарихий тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Улуғ Октябрь ғалабаси билан жаҳон тарихида янги давр—капитализмнинг емирилиш ва янги, социалистик жамиятнинг қарор топиш даври бошланди.

Октябрь революцияси бизнинг мамлакатимизни илмий коммунизмнинг улуғ идеялари руёбга чиқарилаётган биринчи қудратли марказга, рус пролетариатини эса жаҳон империализмига қарши курашда барча мамлакатлардаги мазлум халқларнинг танилган авангардига айлантирди. «Ер юзининг бир бурчагида, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — биз биринчи бўлиб йиртқич ҳайвонни, яъни капитализмни ағдариб ташлашга муяссар бўлганимиз учун фахрланишга ва ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблашга ҳаққимиз, бу йиртқич ҳайвон ер юзини қон дарёсига ғарқ қилган эди, инсониятни очликка ва жаҳолатга гирифтор этган эди. Бу йиртқич ҳайвон жон талвасаси билан йиртқичларча наъра тортиб ўзини ҳар томонга ҳар канча урса ҳам, барибир, албатта ва тез фурсатда ҳалок бўлади» (Асарлар, 27-том, 531-532-бетлар).

Ана шу революция натижасида жаҳондаги энг йирик мамлакатлардан бири бўлган Россияда империализм фронти ёриб ўтилди, эксплуататор синфлар ҳокимияти ағдариб ташланди, пролетариат диктатураси ўрнатилди. Мамлакатни идора қилиш пролетариат бошчилигидаги халқ оммаси қўлига ўтди. Ватанимиз ишчилари ва меҳнаткаш деҳқонлари илгариги чор империясининг ғоят катта территориясида, Коммунистик партия раҳбарлигида ўзларининг янги давлатини барпо этдилар.

СОВЕТ давлати жаҳонда биринчи бўлиб тинчлик шиорини майдонга ташлади, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги принципларини амалга ошира бошлади, тинчлик ишини ва халқлар хавфсизлиги изчиллик билан ҳимоя қилиб, босқинчилик урушларига қарши кураша бошлади.

Совет ҳокимияти ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларини умумлаштирди, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига бутунлай барҳам берди, илгариги чор Россиясидаги халқларнинг социал ва миллий жиҳатдан эзилишига абадий чек қўйди. Мамлакатимизнинг меҳнаткаш халқи жамият моддий ва маънавий бойликларининг чинакам хўжайини бўлиб қолди. Октябрь революцияси илгариги барча революциялардан шу билан фарқ қиладики, деб уқтирган эди В. И. Ленин, «У, оммани қурилишга ва ижодий ғайратга қўзғотди» (Асарлар, 27-том, 180-бет). Меҳнаткашлар оммаси онгли тарихий ижодкорликка отланди, умрини яшаб бўлган эски тузум кучларига қарши курашда, янги, илғор жамиятни барпо этишда оммавий қаҳрамонлик кўрсатди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқларнинг миллий муносабатлари тарихида янги давр бошлаб берди. У чор Россиясининг қолоқ мустамлака районларидаги халқларга социализм йўлини кўрсатди. В. И. Ленин марксизм тарихида биринчи бўлиб қолоқ мамлакатларнинг илғор мамлакатлар пролетариати ёрдами билан социализмга етиб бориши мумкинлиги ва реаллигини ҳар тарафлама асослаб берди.

Октябрь революцияси миллий тенгсизликни абадий йўқ қилди ҳамда барча миллатларнинг чинакам қардошлигини қарор топтирди, илгари эзилиб келган халқларни чинакам эркин ва чинакам тенг ҳуқуқли халқлар даражасига кўтарди. «Эски дунёга, миллий зулм, миллий низолар ёки миллий айримлик дунёсига,— деб ёзди В. И. Ленин,—ишчилар ҳамма миллат меҳнаткашларининг бирлашган дунёсини қарши қўядиларки, бу дунёда биронта ҳам имтиёзга, кишини кишининг заррача ҳам эзишига ўрин бўлмайди» (Асарлар, 19-том, 78-79-бетлар).

Совет ҳокимиятининг биринчи ҳужжатида — ишчи ва солдат депутатлари Советларининг II Бутунроссия съезди очилган куни съезднинг ишчи, солдат ва деҳқонларга қарата қабул қилган «Мурожаатидаёқ Совет ҳукумати «Россияда яшовчи барча миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлаб беради»,—дейилган эди.

Ана шу энг муҳим қоидалар Совет ҳокимиятининг улуғвор ҳужжатига—Совет ҳукумати 1917 йил 2 ноябрда қабул қилган «Россия халқларининг ҳуқуқлари Декларацияси»га асос қилиб олинди. В. И. Ленин томонидан ёзилган ва Советларнинг III Бутунроссия съезди тасдиқлаган, кейинчалик эса биринчи Совет Конституциясига тўла равишда кўшиб юборилган «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилиб келинган халқ ҳуқуқлари Декларацияси»да бу қоидалар янада ривожлантирилди.

Социалистик қурилиш жараёнида, Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш негизида тарихий вазифа ҳал қилинди: миллатларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги таъминланиб, совет миллий давлати барпо этилибгина қолмай, шу билан бирга миллатларнинг эски тузумдан мерос бўлиб қолган иқтисодий ва маданий тенгсизлиги ҳам тугатилди.

Мамлакатимизнинг чор самодержавиеси томонидан эзиб келинган халқлари Совет ҳокимияти йиллари мобайнида сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалишга эришмоқ учун мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлдилар. Шарқ мамлакатларининг бир авлод умри мобайнида қолоқликка, қашшоқликка, касалликларга, нодонликка барҳам бериб, иқтисодий жиҳатдан илғор мамлакатлар даражасига кўтарила олишлари учун тўла имконият борлиги Россиянинг илгариги чекка ўлкалари тажрибасида исбот қилинди.

Ватанимизнинг катта ва кичик халқлари иқтисодий ва маданий қурилишда қўлга киритган улуғвор муваффақиятлар асоратга солинган мамлакатлардаги халқларнинг «лаёқатсизлиги» ҳақида ва гўё фақат «мумтоз» миллатларгина тарихий ижодкорликка кобилиятли эканлиги тўғрисида мустамлакачилар асрлар бўйи айтиб келган туҳмат гапларни чиппакка чиқарди. Помешчиклар, капиталистлар ва бошқа эксплуататорлар ҳокимиятини ағдариб ташлаган эркин меҳнаткаш халқ нималарга қодир эканлигини социализм кўрсатиб қўйди. Экономикада, сиёсатда, ҳаёт ва турмушда, ҳуқуқлар ва урф-одатларда, маданиятда ва традицияларда тўб бурилишга олиб келган Улуғ Октябрь самараларини ўзбек халқининг ва Совет Ўрта Осиёсидаги бошқа халқларнинг ҳаётида яққол кўриш мумкин.

ОКТЯБРЬ революциясига қадар Туркистон чор Россиясининг мустамлакаси эди. Бу ерда меҳнаткашларнинг ҳуқуқсизлиги, қашшоқлик, саводсизлик ҳукм сурар, халқларнинг миллий хиссиётлари мустамлакачилар томонидан тахқирланар, ҳонлар, беклар ва маноплар меҳнаткаш халқнинг эркин ва ор-номусини оёқ ости қилиб келар эди. Туркистонда ҳукм сурган патриархал-феодал муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожини бўғиб қўйган эди. В. И. Ленин Туркистонни «энг соф типдаги мустамлака» деб таърифлаб бу ерда «ҳали ҳам капитализмдан илгариги муносабатлар ҳукм суради... Саноат пролетариати деярли йўқ», деган эди (Асарлар, 31 том, 245 бет). Мана бир мисол: 1908 йилдаги саноат рўйхати маълумотларига кўра, революцияга қадар Россиядаги марказий районларда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига йилига 82 сўмлик саноат маҳсулоти, ҳар минг аҳолига эса 48 саноат ишчиси тўғри келган бўлса, Туркистонда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига атиги 11,6 сўмлик маҳсулот ва ҳар минг аҳоли ҳисобига 2 ишчи тўғри келган эди. Туркистон ўлкаси саноат молларини пул қилиб берувчи энг муҳим бозор бўлиб, унга Марказий Россиянинг аграр-ҳом ашё манбаи, қишлоқ хўжалик ҳом ашёси етказиб берувчиси ролини ўйнаш вазифаси топширилган эди.

Фото лавҳалар



Хоразм областидаги ихтисослаштирилган «Хонқа» совхози шолизорларида жадал меҳнат мавж урмоқда. Фидокорона меҳнат туфайли гектаридан 25 эмас, 30-35 центнердан шоли ҳосили етиштирилди. Экин майдонлари ўтган йилдагига қараганда тўқайзорлар ҳисобига кенгайтирилиб, 1067 гектардан 1788 гектарга етказилди. Бу 4.500 тонна шоли тайёрлаш ва давлатга топшириш имкониятини беради. Шу билан бирга, шоликорлар камида 150 минг сўмлик соф фойда оладилар.

Бу йил ишчилар қилган меҳнатларига ойлик иш ҳақидан ташқари гуруч ҳам оладилар. Ялпи ҳосилнинг 10 процентн шоликорларга бўлиб берилади. Совхоз дирекцияси пландан ташқари топширилган шолининг ҳам ярмини ишчиларга тарқатади. Ҳар бир ишчи ўрта ҳисобда 1500 килограммдан шоли олади. Шолига давлат харид нархларининг оширилганлиги ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада кучайтириб юборди.

ЎзТАГ фотомухбири Н. Ключнев яқинда совхоз шолизорларида бўлиб, ишнинг қизғин палласини суратга олган. Юқоридаги суратда илғор комбайнчи Геннадий Кимни кўриб турибсиз. У кунда 20 тоннага етказиб шоли янчмоқда. Пастдаги суратда эса шолизорлар тасвирланган.



ҚУВОНЧЛИ ТЕЛЕГРАММАЛАР

ТУРТКЎЛ РАЙОНИ

Қорақалпоғистон автоном республикасининг йирик пахтакор райони бўлган Тўрткўл районининг меҳнаткашлари ажойиб ғалабага эришдилар. Давлатга пахта сотиш йиллик плани муддатидан илгари шараф билан адо этилди. Ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзидаёқ 29 центнердан «оқ олтин» териб олинди ва Ватан омборига 52500 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта етказиб берилди.

Район пахтакорлари ва механизаторлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларига жавобан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш йўлида олиб борган курашлари ана шундай яхши натижа берди.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга пландагига қўшимча равишда яна 10500 тонна пахта сотиш ва ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга қарор қилдилар.

ШОВОТ РАЙОНИ

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашаётган ва жонажон партиямизнинг XXIII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирган Шовот районининг пахтакорлари давлат планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Ватан омборига 33124 тонна юқори сифатли пахта тўкилди. 11500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан «оқ олтин» териб олинди.

Киров номли, «Москва», Чкалов номли, «Партия XXII съезди» ва «Партия XIX съезди» колхозлари ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 30-40 центнердан ҳосил териб олдилар. Ана шу хўжаликларда ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини 40-45 центнерга етказиш учун кураш давом эттирилмоқда. Киров номли колхозининг М. Ҳакимов, Й. Ёқубов, «Москва» колхозининг А. Эркаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида 60 центнерлик ҳосил учун курашяпти. Чкалов номли колхозининг Зарип Раматов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил териб олди ва планни 10 кунида адо этди.

Район механизаторлари тайёрланган пахтанинг 8 минг 420 тоннасини териб бердилар.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги байрамини пландан ташқари давлатга 7 минг тонна пахта сотиш, ялпи ҳосилни 40 минг тоннага ва ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш билан кутиб олиш ҳақида сўз бердилар.

АЖОЙИБ САМАРА

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар баҳор ниҳоқ келган ва сув тақчил бўлган бу йилги шароитда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Барча майдонлардаги ҳосил ўтган йилдагига нисбатан икки ҳафта илгари пишиб етилди.

Район партия комитети, совет ҳамда хўжалик ташкилотлари пахта териш ва давлатга топширишни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар. Бу тадбирлар ўзининг ажойиб самарасини кўрсатди. Шу кунгача давлат омборларига 58,5 минг тонна «оқ олтин» тўкиб, йиллик планни муваффақиятли бажардик. Пахтанинг 15 минг тоннаси «зангори кема»ларда йиғиштириб олинди.

Маррага биринчи бўлиб етган «Москва» колхози ҳозиргача пландан ташқари 400 тоннадан зиёдроқ пахта топшириб қўйди. Колхознинг Эргаш Нуриддинов, Ҳалима Абдуллаева ва Убайдулла Йўлчиев ўртоқлар бошлиқ илғор бригадалари ҳар гектар ердан 36-39 центнердан ҳосил кўтардилар.

Ленин номли, Жданов номли, «Ленинград», «Партия XXII съезди» колхозлари ҳам пахта тайёрлаш йиллик планларини муддатидан анча илгари ошиғи билан адо этдилар. Мазкур хўжаликлар бу йил ҳосилдорликни гектарига 35-40 центнерга етказиш ва ундан ҳам ошириш учун ҳаракат қиляптилар.

Йиғим-терим ишлари кун сайин қизғин тус олмоқда. Машиналар овози ҳали ҳам тингани йўқ. Ҳамма ҳосил теримига сафарбар этилган, ҳамманинг фикри-зикри даладаги пахтани тезроқ саранжом-сариштлаб олиш ва давлатга топширишга қаратилган.

Шу кунларда партия ташкилотлари жуда катта сиёсий, ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Пахта териш ва тайёрлашда коммунист ҳамда комсомоллар алоҳида ташаббус кўрсатаётирлар.

Биз давлатга тағин 6500 тонна пахта етказиб беришга ваъда қилдик. Бунинг учун барча имкониятларга эгамиз. Эндиги вазифа, ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, терим суръатини янада кучайтиришдан, сифатга алоҳида эътибор беришдан, юбудгарчиликка мутлақо йўл қўймасликдан иборатдир.

Районимиз меҳнаткашлари бунинг уддасидан чиқадилар ва байрам олди социалистик мусобақасини қизитиб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритадилар.

Н. ОХУНОВ,
Фарғона область, Поп район партия комитетининг биринчи секретари.

ПАЙАРИҚ МАРРАГА ЕТДИ

САМАРҚАНД. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**). Пайариқ районининг меҳнаткашлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар қабул пунктларига 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Топширилган пахтанинг 11.500 тоннаси «зангори кема»ларда йиғиштириб олинди.

Пайариқликлар пландан ташқари давлатга яна 10 минг тонна пахта сотишга аҳд қилдилар.

Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз мажбуриятини бажарди

Тошкент область Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоматлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганларидан сўнг Ватан ҳазинасига яна 1.000 тонна «оқ олтин» тўкиб, социалистик мажбуриятларини ҳам адо этдилар.

Улар мамлакатга тағин 500 тонна пахта етказиб бериш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ЙЎЛЧИЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Автомобиль йўлларининг сифатини оширишга бағишланган зона кенгашида 21 октябрда йўлларни лойиҳалаш, қуриш, сақлаш, ишлатиш проблемаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Москва автомобиль йўли институтининг профессори Н. Н. Иванов кўча бетига юмшоқ қоплама ётқизишни ҳисоблашнинг янги методлари тўғрисида доклад қилди. «СоюздорНИИ» илмий тадқиқот институтининг ходимлари, техника фанлари кандидатлари Л. Б. Гезенцвей ва В. А. Черников ўз докладларини ўрта Осиё шароитида йўлларга ётқизиладиган турли қопламалар конструкцияси ва уларни қуришнинг хусусиятларига бағишладилар.

РСФСР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Николаев, Тожикистон ССР транспорт ва йўл хўжалиги министри А. И. Исмоилов, Украина ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги тош йўллар бош бошқармасининг бош инженери Т. Т. Попов, Қирғизистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министри Х. К. Кулбаев, Туркманистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министри А. А. Авезқиличев, Эстония ССР тош йўллар бошқармасининг бошлиғи Х. А. Хунт, «Казгорпроект» институтининг директори Е. Е. Гончаров, Озарбайжон ССР тош йўллар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Г. Алиев, Латвия ССР йўл лойиҳалаш институтининг директори А. А. Нартиш қардош республикалар йўлчиларининг тажрибасини сўзлаб бердилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг мудири К. С. Симонов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзладилар.

Кенгаш қатнашчилари илмий тадқиқотлар, лойиҳалаш ва қуриш ишларини янада такомиллаштириш юзасидан, йўллардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар қабул қилдилар.

... Кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиб бўлинди. Лекин кенгаш Ўзбекистон йўлларида, авторемонт корхоналарида, лойиҳалаш институтлари ва илмий муассасаларда ўз ишларини давом эттирмоқда. Ўрта Осиё, Болтиқ бўйи, Закавказье республикаларидан, Украина, Молдавия, Қозоғистондан, Москва, Ленинграддан, Узоқ Шарқ, Сибирь ва мамлакатнинг бошқа районларидан меҳмон бўлиб келган олимлар, лойиҳаловчилар, қурувчилар, йўл ходимлари Ўзбекистон йўлчилари ва автомобилчилари билан биргаликда кенгашда тилга олинган корхоналар, қурилишлар, йўлларнинг фаолиятини ўрганадилар.

(ЎзТАГ).

ЗАФАР ЁР БЎЛДИ

Жонажон партиямизнинг XXIII съезди ва Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг аъзоларига ҳам зафар ёр бўлди. Улар давлатга 4500 тонна аъло сифатли «оқ олтин» сотиб, планни муваффақиятли адо этдилар. 1510 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан дурдона териб олиндч.

Фарҳиддин Исҳоқов, Дадажон Темиров, Салоҳиддин Шарипов, Шароф Маҳмудов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 33-35 центнердан, Қобилжон Обидов бошлиқ комплекс механизациялашган звеноda эса 50 центнердан пахта териб олинди ва давлатга топширилган «оқ олтин»нинг ҳаммаси нуқул машиналарда терилди. Колхоз давлатга сотган пахтанинг қарийб ярмини «зангори кема» капитанлари териб беришди. Азимжон Ўрунов, Олим Саидов ўртоқлар каби пешқадам механизаторларнинг ҳар бири машина бункеридан 160 тоннадан пахта тўкишди.

Колхоз пахтакорлари ҳозир мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Улар ҳар гектар ердан яна 5 центнердан пахта териб олиш ва ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга сўз бердилар.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

«ЧАҚМОҚДА ТУҒИЛГАНЛАР» КИНО

Шу кунларда Хива шаҳрида меҳмон бўлиб турган «Ўзбекфильм» киностудияси коллективи «Чақмоқда туғилганлар» фильмини суратга олмоқда. Сценария автори Нагорний «Чақмоқда туғилганлар» номли янги революцион руҳдаги фильмини Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги кунига армуғон қилмоқчи. Бу ҳақда кинорежиссёр Латиф Файзиев қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— Бу фильм Октябрь революциясидан кейинги 1918—1919 йилларда совет хотин-қизлари ҳаётининг тубдан ўзгариши, совет ёшларининг дастлабки мактаб-интернатларда коммунистик ахлоқ руҳида тарбияланиши, ҳаваскор халқ театрларининг ташкил топиши ва ундан профессионал талантларнинг етишиб чиқишини ҳикоя қилувчи асардир. Асар хотимаси эскилик устидан янгиликнинг порлоқ ғалабаси билан тугайди. Асарнинг бош қаҳрамони Наташахоним (Мария Кузнецова) ролида Оля Амалина ўйнамоқда.

Фильмда революция йилларида Фарғона, Тошкент, Панжкент ва Хива шаҳарларида ташкил этилган янги болалар уйлари, халқ театрлари ва бошқа маданий-оммавий ва ташкилий ишларда моҳир педагог, актив жамоат арбоби ролини бажарган революция куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг фаолиятига кенг ўрин берилган.

Асарда Ҳамза прототип Мусаффар образи орқали берилган. Мусаффар ролида «Бешаласи Фарғонадан» фильмида Абдулла Набиев ролида ўйнаган, «Улуғбек юлдузи» ва «Хўжа Насриддиннинг 12 мазори» фильмларида иштирок этган ёш артист Ўлмас Алиҳўжаев суратга тушмоқда. Музаффарнинг синглиси Ойша ролини Тошкентдаги 145-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Мая Маҳмудова ижро этмоқда. Ойшанинг онаси ролида СССР халқ артисти Тухфа Фозилова суратга олинятти. Шунингдек, СССР халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов, Тожикистон ССР халқ артисти Ҳошим Ғадоев ҳамда болалар уйи тарбиячиси ролида ортист Раъно Ҳамроеналар ўйнамоқда.

Фильмга СССР халқ артисти Мухтор Ашрафий музика ёзган, режиссёрлар Латиф Файзиев, Илёс Ёқубов ва Аҳмал Акбарҳўжаев.

«Чақмоқда туғилганлар» фильми Хивада суратга олиниб бўлгач, иш Тошкент шаҳрида давом эттирилади.

О. БЕКЖОНОВ,
Ю. РУЗИМАТОВ.

Мухосасизлар сигнали

ОРОСАТДА ҚОЛГАН КЎПРИК

Бухоро область, Вобкент районидаги Владимир Ильич номли ва Охунбобоев номли колхозлар меҳнаткашларининг яхши орзуси ушалиб, Шофиркон — Денов маршрутида автобус қатнови йўлга қўйилган эди.. Бироқ қишлоқ аҳлининг севинчи узоққа бормади. Ишнинг пачаваси чиқди: автобус бир неча ойдан буён қатнамай қўйди. Нега?" Йўл ёмонми. Йўқ! Владимир Ильич номли колхоз территориясидан ўтган цемент-бетон каналининг ишга тушганига 4 ой бўлди. Лекин хали ҳам унинг кўприги қурилмаётир.

Меҳнаткашлар кўприк масаласида Владимир Ильич номли колхоз раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдилар. Колхоз раҳбарлари канал кўпригини район сув хўжалиги бўлими қуриб бериши керак, деган жавобни қилмоқдалар. Сув хўжалиги бўлими (бошлиғи ўртоқ Фаляков) эса канални қазидик, сув оқиздик, кўприн бизга керак эмас, деятир.

Шу боисдан йўловчилар арзини энди кимга айтарини билмай юришибди. Район ижроия комитетидаги ўртоқлар оросатда қолган кўприк масаласини зора хал қилиб берсалар.

Р. АЗИМОВ.

ИККИНЧИ «МАСАЛА» ЭМИШ

Зомин районидаги «Ховос» дончилик совхози раҳбарлари меҳнаткашларнинг маданий дам олиши ҳақида керилиб гапирадилар. Амалда-чи? Совхозда дурустроқ дам олиш ўчоғи йўқ. Совхоз марказида жойлашган яккаю ягона чойхона ҳам тузук жиҳозланмаган. Аҳён-аҳёнда бу ерда бир марта кинофильм кўрсатилади. Шунда ҳам одатда лента узилиб 10-15 минут қутасиз ёки бошқа фильм лентасини томоша қилиб дардингизни ичга ютиб ўтираверасиз.

Баландчақир қишлоғида жойлашган клуб совхоз раҳбарларининг доимий «қадамжойи». Унда на пол, на печка бор. Ойналари синиқ, қишда «қизиб» кетмаслиги учун «шамоллатиб» турилади.

Клуб шу аҳволда бўлгач, унда на шашка, на шахмат, на бирор тўғараш ишларми? Бундан 4 йил олдин анча пул сарфланиб, совхоз маркази атрофида жойлашган 2-бўлим ва 3-бўлим қишлоқларига радио симлари тортилган эди. Ҳозир ўша симлар шалвираллаб, столбалар ҳам «ўз оёғидан» йўқ бўлиб бормоқда. Қишлоқдаги электр станцияси йилига фақат 3-4 ой ишлайди. Шунда ҳам 2 ёки 3 соат ишлаб ўчиб қолади. Лампочка ёнида лампа ёниб туриши керак. Шундай қилмасангиз «замеканик» бўлиб қоронғида қоласиз.

Совхоз ишчиларининг бир неча марта қилган талаби билан, бу йил совхоз марказида ҳаммом қурилиб ишга туширилди. Лекин унинг умри қисқа экан... Ҳаммом деворларига «туяни думи ерга тегса», «ҳўкиз тўғса» ишлайди каби иборалар ёзиб қўйилган.

Ҳозир ҳаммомга тушмоқчи бўлган киши 40 километр йўл босиб, район марказига боришга мажбур. Бу аҳволдан совхоз раҳбарлари бехабар дейсизми? Йўқ. Улар буларнинг ҳаммасини биладилар, лекин халқнинг маданий дам олишига шароит яратиш «иккинчи даражали масала» деб юрибдилар.

А. ҚОСИМОВ,
Э. ЖУРАМУРОДОВ,
М. МАМАДАЗИМОВ,
Ф. НОРМАТОВ,
Н. ҲУСАНОВ.

СПОРТ

ЧИРЧИҚЛИКЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ОЧКОЛАРИ

Чирчиқнинг «Химик» командаси бу йил ҳар қачондагига қараганда муваффақиятли қатнашмоқда. У Миасснинг «Торпедо» командасини 1:0 ҳисобида енггандан кейин, финалга борадиган йўли янада ойдинлашди. Хозир чирчиқликлар ҳисобида 42 та очко бор. Финал группага кириш учун эса команда нам деганда 60 процент яъни 46 очко тўплаши керак.

ҲАМ ҚУВОНАРЛИ, ҲАМ...

Олмаотада енгил атлетика бўйича аёллар мусобақаларидан сўнг эркаклар куч синашдилар. Агар республикамиз хотин-қизлар командаси 114 та очко билан умумкоманда ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаган бўлсалар, эркаклар 102,5 очко билан ўн биринчи ўринда қолдилар ва умумкоманда ҳисобида хотин-қизлар командасини ҳам орқага тортдилар. Ўзбекистон енгил атлетикачилари 216,5 очко билан 11-ўринни олдилар.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР КЎРИГИ

Бугун Тошкентда ВЛКСМ Марказий Комитети таъсис этган «Умид» кубоги учун финал матчлар бошланади. Зона голиблари Ўзбекистон, Украина, Молдавия, Ленинград шаҳар терма командалари тошкентлик ишчибозлар кўригидан ўтадилар. Ешларимиз футбол сирларини қандай эгаллаб олаётганлиги бу синовда маълум бўлади. Ўзбекистоннинг ёш футболчилари 1963 йилда биринчи марта «Умид» кубоги учун мусобақалашиб, фахрли мукофотни қўлга киритган эдилар.

Бугун Ўзбекистон — Ленинград эртага эса Молдавия—Украина командалари учрашади. Бу икки матчда голиб чиққан командалар финалда 1-2 ўринлар учун, ютқазганлар эса 3-4 ўринлар учун беллашадилар.

Обуна қизғин ўтмоқда

Тошкент гўшт комбинатининг ишчилари 1966 йил учун газета ва журналларга якдиллик билан обуна бўлмоқдалар. Шу кунгача ишчи-хизматчилар 2500 сўмлик газета ва журналларга ёзилдилар. Обуначилардан Тўлаган Илҳомов 56 сўмлик, З. Трафина 59 сўмлик, В. Вартанов 38 сўмлик, Н. Шоаҳмедова 34 сўмлик марказий ва маҳаллий газета ҳамда журналларга обуна бўлдилар.

Газета ва журналларга обуна давом этмоқда.

И. ИНОЯТОВ.

22 ОКТЯБРГАЧА

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи стун — мавсум бошидан)

ТОШКЕНТ	0,72	106,65	0,36	109,81
ХОРАЗМ	1,85	106,15	1,67	78,15
Сурхондарё	1,39	97,92	1,08	94,91
Самарқанд	1,70	97,60	1,02	71,29
Қашқадарё	0,70	95,22	0,04	37,03
Фарғона	1,21	92,71	0,34	87,29
Қорақалпоғистон АССР	2,10	91,99	2,28	70,02
Бухоро	0,77	90,35	0,02	27,45
Андижон	1,58	87,73	0,95	74,99
Сирдарё	1,77	83,90	1,21	103,14
Ўзбекистон ССР бўйича	1,42	93,63	0,94	82,66

Республикада 21 октябрь куни 51.012 тонна пахта тайёрланди.

Чоризм, маҳаллий феодаллар ва руҳонийлар маориф, фан ва маданиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилдилар, илғор сиймоларни, фан ва маориф арбобларини таъқиб этдилар. Дин ва жаҳолат эксплуататорларга меҳнаткашларни маънавий жиҳатдан эзиш қуроли сифатида хизмат қилди. Шуни айтиш кифояки, Октябрь революциясига қадар Ўрта Осиё аҳолисининг 98 процентн саводсиз эди.

Илгари эзилиб келган ҳуқуқсиз халқлар Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин социализмнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олдилар. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида чор Россиясининг қолоқ мустамлакаларидан қудратли индустрияга, механизациялашган йирик қишлоқ хўжалигига ва юксак даражали социалистик маданиятга эга бўлган илғор совет социалистик республикаларига айландилар.

1961 йилда саноат ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан Ўзбекистон ССРда 21 баравар, Қирғизистон ССРда 67 баравар, Тожикистон ССРда 41 баравар, Туркманистон ССРда 24 баравар кўпайди. 1913 йилдан 1960 йилгача бўлган давр ичида Ўрта Осиё республикаларида йирик саноат маҳсулоти 60 баравардан зиёд ошди. 1913 йилда Ўрта Осиёда бор-йўғи 5,8 миллион киловатт соат электроэнергия, яъни бутун Россиядагига нисбатан 380 баравар кам электроэнергия ҳосил қилинган эди. Ваҳолонки, ўша вақтда Россиянинг ўзи ҳам бу соҳада бошқа капиталистик мамлакатлардан жуда орқада эди.

Ҳозир саноат Ўзбекистон экономикасида етакчи ўринни эгаллаб турибди. Ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 60 процентга яқини саноат хиссасига тўғри келади. Республика Госпланн ва Марказий статистика бошқармасининг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда, етти йиллик контроль рақамларининг саноат маҳсулоти умумий ҳажми жиҳатидан белгиланган топшириқлари ортиғи билан бажарилади. Саноатнинг ялпи маҳсулоти 1965 йилда 1958 йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўпаяди.

Ўрта Осиё республикаларн йирик индустриал марказ бўлиб қолганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, эндиликда улар ўз саноати маҳсулотини 65 чет давлатга экспорт қилмоқда. Бу муваффақиятларни капиталистик мамлакатларнинг сиёсий ва жамоат арбоблари тан олиб, қойил қолмоқдалар.

Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ хўжалиги гуркираб ривожланмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли қишлоқ хўжалиги замонавий техника билан таъминланган, илғор совет фани билан қуролланган. Йирик суғориш системалари қуриш ғоят кенг миқёсда олиб борилмоқда, янгидан-янги ерлар ўзлаштирилмоқда, экин майдонлари кенгайтирилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун жуда кенг майдон очиб қўйди. Қишлоқда ажойиб механизатор кадрлар етишди. Қишлоқ хўжалигининг неча ўн минглаб илғор кишилари улуғ Ватанимизнинг иқтихори бўлиб қолдилар.

Ўз миқёси ва кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган маданий революция, халқнинг маънавий кучлари яшнаб кетганлиги социалистик революциянинг Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги энг ёркин ғалабаларидан биридир. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида фан ва маданият чўққилари томон улкан парвоз қилинди. Ўрта Осиё республикалари аллақачонлар ёппасига саводхон республикаларга айланди. Халқ маорифи соҳасида эришилган мисли сиз ютуқларни Ўзбекистондаги Файзиобод қишлоғи мисолида яққол кўриш мумкин.

Улуғ Октябрь революциясига қадар бу қишлоқда бирорта ҳам ўқитувчи йўқ эди. Ҳозир унда бир неча мактаб, шу жумладан тўлиқ ўрта мактаб мавжуд. Биргина Файзиобод қишлоғининг ҳамма мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг сони революцияга қадар Ўзбекистондаги барча қишлоқлардаги умумий таълим мактабларида ишлаган ўқитувчилар сонига тенг келади.

Ўрта Осиё республикалари мана шундай улкан муваффақиятларга Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги туфайли, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг ёрдами туфайли эришдилар.

Партия XXII съезди тасдиқлаган КПСС Программаси мамлакатимизни ривожлантиришнинг улуғвор планларини белгилаб берди. Бу Программа Совет Иттифоқидаги барча республикаларга, шу жумладан Ўрта Осиё республикаларига ҳам кенг истиқболлар очиб берди. Келгуси бирмча йилда совет халқи олдида экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришнинг тағин ҳам буюкроқ истиқболлари очилади. Масалан, Ўзбекистонда 1980 йилда 1960 йилдагига нисбатан машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўн икки баравар, электр энергия ҳосил қилиш 20 баравар, химия маҳсулоти 70 баравар, газ чиқариш 170 баравар кўпаяди ва ҳоказо.

Ана шу давр ичида Мирзачўл ва Қарши чўли тўла ўзлаштирилиб, пахта ялпи ҳосили 1980 йилгача етти миллион тоннага етказилади. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ғоят ривож топади. Шунингдек Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон экономикаси ва маданиятида жуда катта ўзгаришлар содир бўлади.

Совет халқларининг иқтисодий ва маданий қурилишда эришган буюк зафарлари Октябрь ўзгартирувчи идеяларининг ютуғи, марксча-ленинча идеологиянинг зафарли тантанасидир.

Мамлакатимиз халқлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг «Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисидаги қарорини қизғин маъқуллаб, уни оғишмай бажариш учун эўр ғайрат билан курашмоқдалар.

Саноат ишлаб чиқаришига хўжалик раҳбарлигини такомиллаштириш юзасидан партия ишлаб чиққан тадбирларни турмуш, коммунистик қурилиш тажрибаси тақозо этди. Бу тадбирлар СССРда коммунизмнинг моддий техника базасини тезда вужудга келтиришнинг туб манфаатларига тўла муносибдир. Сентябрь Пленуми томонидан олға сурилган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Совет давлатининг иқтисодий, куч-қудратини янада юқори поғонага кўтаради, халқ фаровонлигини янада юксалтиришни таъминлайди, ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлайди.

Саноатни бошқаришни яхшилаш мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кенг йўл очади, иттифоқдош республикалар саноатини гуллаб-яшнатишни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарори Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII Пленумида, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг VI сессиясида кенг маъқулланди. Ўзбекистон партия ташкилоти, республикамиз меҳнаткашлари сентябрь Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, партиямиз XXIII съездини меҳнат соҳасида муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Ғ. НАЖИМОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ XX СЕССИЯСИНИНГ IV КОМИТЕТИДА

АДАНГА МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛСИН

Адан масаласи юзасидан СССР вакили С. О. АЗИМОВнинг 1965 йил 20 октябрда сўзлаган нутқи

Совет Иттифоқининг Адан масаласидаги позицияси бутун дунёга аён. Совет Иттифоқи Адан халқининг ва Арабистон ярим оролининг жанубида яшовчи бутун халқнинг ўз ерининг хўжайини бўлиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида ва мустамлака мамлакатлар ҳамда халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияда кўрсатилганидек ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида келгусидаги статут ва давлат тузуми тўғрисидаги масалани ўз билганича ҳал этишга қаратилган ҳақҳоний талабларини қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватлай беради. Совет делегацияси ана шу позицияга амал қилиб, Бош Ассамблеянинг XVIII сессиясида 1949 (XVIII)-резолюциясини қўллаб-қувватлади. Бу резолюцияда энг биринчи чоралар сифатида бошқарувчи давлатга ижтимоий эркинликларни чеклаб қўядиган барча қонунларни бекор қилиш, сиёсий маҳбусларнинг ҳаммасини озод қилиш, сиёсий фаолияти учун сургун қилинган кишиларнинг мамлакат территориясига қайтиб келишлари учун рухсат бериш, шунингдек аҳолига қарши қаратилган барча репрессия тадбирларини ва шу жумладан ҳарбий экспедицияларни ҳамда тинч аҳоли яшаётган қишлоқларни бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатиш таклиф этилган эди.

Бундан ташқари, Бош Ассамблея бошқарувчи ҳукуматни вакиллик органини вужудга келтириш ва аҳолининг истакларига мувофиқ бутун территория учун муваққат ҳукумат тузиш мақсадида зарур конституцион ўзгаришларни амалга оширишга даъват этган эди. Бунда территория мустақилликка эришганига қадар умумий сайлов ҳуқуқи ҳамда киши нинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига тўла риоя қилиш асосида ўтказиладиган сайловлардан кейин ана шундай қонун чиқарувчи орган ва ҳукуматнинг тузилиши керак эканлигини кўзда тутиш лозим эди. Ана шу сайловлар натижасида янги тузиладиган ҳукуматга ва бошқарувчи ҳокимиятга мустақиллик бериш вақтини ҳамда ҳокимиятни халққа ва унинг вакиллик органларига топшириш чораларини белгилаш мақсадида музокаралар бошлаш тавсия этилган эди.

Бош Ассамблея Аданда ҳарбий базанинг сақлаб қолиниши бу райо нинг хавфсизлигига путур етказади ва шу сабабли, ана шу базани тезрок тугатиш мақбул, деб ҳам кўрсатган эди.

Адандаги ва Жанубий Арабистондаги сиёсий раҳбарлар ва ташкилотларнинг кўпчилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бу қарорларини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, баъзи ташкилотлар, шунингдек Адан масаласи юзасидан тузилган кичик комитетнинг ўзи ҳам ана шу резолюцияда кўзда тутилган тадбирларни талаб этилган чораларнинг минимуми, деб ҳақли суратда қисобламоқдалар. Шу сабабли, гап ана шу қарорларни пухта бажариш тўғрисидагина бориши мумкин.

Шу муносабат билан Бош Ассамблеянинг XVIII сессиясида Адан тўғрисидаги масалани муҳокама қилишнинг бориши ва бу муҳокаманинг натижаларига маълум даражада таъсир кўрсатган бир ҳолатни эсга олмай ўтиш мумкин эмас. Делегатларга маълумки, ўша пайтда Буюк Британия сайлов арафасида турар эди, ҳокимият тепасида турган консерваторлар ҳукумати ўрнига лейбористлар партиясининг раҳбарлари келмоқда эди. Лейбористлар партиясининг раҳбарлари жуда кўп ваъдалар беришдан тортинмай турмадилар ва ўзларини мустамлака халқларининг озодлик ўйлидаги ҳаракатига хайрихоҳ кишилар қилиб кўрсатдилар.

Бундай вазият ўша вақтда баъзи делегатларда, шунингдек миллай озодлик ҳаракатининг айрим арбобларида лейбористлар ҳокимият тепасига келганларида, Аданда мустамлакачилик процесси тез барҳам топади ва халқ кўпдан буён орзу қилган эркинликка эришади, деган хаёлни туғдирган эди.

Ана шу ҳаёл ва умидлар ўша вақтда мунозаранинг боришига ва асосан Бош Ассамблеянинг тавсияларига таъсир кўрсатган эди. Бош Ассамблеянинг бу тавсияларни айрим принципиал масалаларда етарли бўлиб чиқмади. Жумладан, Аландаги ҳарбий базани тугатиш каби муҳим проблемада Бош Ассамблея бундай базанинг ана шу районда бўлиши матлуб эмас, деган фактни қайд қилиш билангина чекланди. Қабул қилинган резолюцияда ана шу базани дарҳол тугатиш тўғрисидаги қатъий талаб илгари сурилмаган эди. Бу ҳарбий база Адан халқи ва Арабистон ярим оролининг бутун жанубида яшовчи халқнинг озодлик ва мустақилликни курашиб қўлга киритиш йўлидаги асосий ғовларнинг бири бўлиб келмоқда.

Бошқарувчи ҳукумат резолюцияни қабул қилишга қандай муносабатда бўлди?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мустамлакачиликни тугатиш масаласи билан шуғулланувчи махсус комитети докладида ва унинг Адан масаласи билан шуғулланувчи кичик комитети докладларида баён қилинган материаллар (бу докладларда мазкур резолюция қабул қилинганидан кейин Аданда рўй берган воқеалар баён қилинади) бошқарувчи давлат Бош Ассамблея тавсияларининг бирортасини ҳам бажармай, балки Аданда ва Арабистон ярим оролининг жанубида ўзининг мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида халқдан қуролли ўч олишга қадар ҳар қандай чораларни амалга ошираётганлигини ҳам кўрсатади.

Англиянинг мустамлакачи маъмурлари резолюция қабул қилинишига жавобан, аввало, бу территорияда фавқулодда ҳолат жорий қилди. Аданда ва мамлакатнинг бошқа қисмларида «қонуничилик ва тартиб»ни сақлаш тўғрисидаги буйруқ деб аталган буйруқ асосида сиёсий партиялар ва касба союзларининг арбоблари кўплаб қамоққа олиниб, таъқиб этила бошлади, юзларча ва неча ўн юзларча ватанпарварлар суд-сўроқсиз турмаларга ташланди, хусусан мамлакатнинг мустақиллиги йўлидаги ҳаракат кучайиб кетган райо нларда халққа қарши жазо экспедициялари кучайтириб юборилди. Гап халққа қарши ошкора равишда ҳарбий жиноятлар қилишгача бориб етди.

Бу чораларнинг ҳаммаси халқнинг иродасини қақшатишга ва озодлик ҳамда мустақиллик йўлидаги халқ ҳаракатини раҳбарсиз қолдиришга қаратилган эди. Аммо, бошқарувчи маъмурлар ватанпарварларга қарши зўравонлик чораларинигина кўриш етарли эмаслигини яхши билар эдилар, албатта. Шу сабабли, улар Адан халқини ҳамда жаҳон жамоатчилик фикрини чалғитиш мақсадида жуда кўп найранглар ишлатиш йўлига ўтдилар. Улар мамлакатнинг сиёсий тараққиёти соҳасида мустақиллик бериш йўлида қандайдир чоралар кўраётгандек иш тутдилар. Масалан, 1964 йилнинг куз фаслида Аданда янги конституция жорий қилинди. Бу конституция амалда халқ ҳуқуқларини кенгайтириш у ёқда турсин, балки бунинг аксича, аҳолининг сайлов ҳуқуқларини ҳам қирқиб қўйди. Халқ манфаатларини камситишдан иборат бўлган ва халқнинг ғоят кўпчилигини сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этган ана шу конституция асосида ўтказилган сайловларга, ҳатто инглиз консерватив матбуоти ҳам найрангбозлик, деб баҳо берди.

Шундан кейин, Британия ҳукумати конституцион конференцияларни чақириш ҳақида, «ягона» ёки «унитар давлат» учун янги конституция ишлаб чиқиш мақсадида махсус короллик комиссиясини тузиш юзасидан кетма-кет таклифлар кирита бошлади. Ана шу лўттибозларнинг фикрича, бу «давлат» янги мустамлакачилик тузумидан бошқа бир нарса бўлиши мумкин эмас. 24 лар комитети ва Адан масаласи билан шуғулланувчи кичик комитетнинг докладидан маълум бўлишича, конституцион тадбирлар деб аталган тадбирлар соҳасидаги ана шу найрангларнинг ҳаммаси ягона бир мақсадни, яъни мустамлакачиларнинг манфаатларига тўла жавоб берадиган конституцияни ва қўғирчоқ режимларни Адан халқига ва Арабистоннинг жанубида яшовчи бутун халққа мажбуран қабул қилдириш мақсадини кузатар эди.

Бу найранглар барбод бўлиб, Адандаги ва Арабистон ярим оролининг жанубидаги сиёсий партиялар ҳамда ташкилотлар ўз мамлакатларининг истиқболи тўғрисидаги масалани ҳал этиш юзасидан ўзларига мажбуран қабул қилдирилмоқчи бўлган шартларни қабул қилишдан воз кечганларидан кейин, Англия ҳукумати ўзининг чин мақсадларини фош қилиб қўйди — «демократия» соҳасида лўттибозлик ишлатишдан воз кечди, Аданда амалда бўлган чўлтоқ конституцияни ҳам бекор қилди. Адан бош министри ва унинг кабинетидаги бошқа министрларни мансабларидан туширди, Аданнинг қонун чиқарувчи кенгашини тарқатиб юборди ва бутун ҳокимиятни олий комиссар қўлига топшириб, мустамлакачиларча бошқаришнинг ошкора формасига ўтди.

Британия вакили 24 лар комитетида мустамлакачиликни тугатиш масаласи билан шуғулланувчи махсус комитетнинг мақсадлари ва менинг ҳукуматимнинг Жанубий Арабистонга ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида мустақиллик бериш тўғрисидаги фикрлари бир-бирига мос келади, деб айтган эди. Лекин шунга қарамай, Британия ҳукумати Жанубий Арабистондаги турли сиёсий гуруҳлар вакилларининг кейинги учрашуви вақтида (бу учрашув навбатдаги конституцион конференция кун тартибини ишлаб чиқиш учун Лондонда ўтказилган эди) бунга тамомила зид бўлган йўл тутди. Британия ҳукумати Бош Ассамблеянинг 1949 (XVIII)-резолюцияси қоидаларининг амалга оширилишига розилигини билдирган эди, деган баёнани кўрсатди. Эндиликда Англия ҳукумати янги комиссияни тайинлади. Британиянинг конституцион экспертларидан иборат бўлган бу комиссияга территория учун янги конституцияни ишлаб чиқиш топширилди. Баъзи бировлар кейинги вақтларгача бошқарувчи давлатнинг чин ниятларига гумон билан қараб, Адан ва Арабистон жанубининг истиқболи тўғрисидаги проблемалар шу мамлакат халқларининг манфаатларини кўзда тутиб ҳал этилиши мумкин эканлигига умид боғлаган бўлсалар, кейинги воқеалар Англия ҳукуматининг конституция соҳасидаги барча ана шу найранглари империализмнинг араб халқлари миллий суверенитетига қасд қилаётганлигини ниқоб ловчи фақат бир баҳона эканлигини Адандаги сиёсий партиялар, ташкилотлар ва халққагина эмас, балки жаҳон жамоатчилигининг кенг доираларига ҳам яққол кўрсатиб берди.

Империализм ва мустамлакачилик неча ўн йиллар мобайнида Араб Шарқи мамлакатларига нисбатан «бўлиб юбор ва ҳукмронлик қил» сиёсатини ўтказиб келди, «каноперка дипломатияси»ни ва «катта таёқ» сиёсатини қўллаиб, миллий озодлик ҳаракатини бўғиб келди. Аданда ва Арабистон жанубининг бошқа қисмларида кейинги вақтларда рўй берган воқеалар мустамлакачиларнинг ана шу методлардан ҳозирги пайтда ҳам воз кечиш ниятида эмаслигини кўрсатади.

Консерваторлар каби лейбористлар ҳукумати ҳам халқнинг хоҳиш-иродасини бостириш йўлида айни бир хил методларни қўллаканётганлигини бутун жаҳонга намойиш қилмоқда. Бу территорияда фавқулодда ҳолат сақлаб қолинди, комендантлик соати жорий қилинди, қўшинлар кундузи ҳам, кечаси ҳам Адан кўчаларида изғиб юрибди, қамоққа олишлар ва намойишларни бостиришлар давом этмоқда, ҳимоясиз аҳолига қарши ҳарбий операциялар олиб борилмоқда, ҳарбий мадад кучлар Жанубий Арабистонга ва Эрон кўрфази районига юборилмоқда. Бундай шароитда жаноб Вилсоннинг 1965 йил 29 августда Блэкпулда «Адандаги фожиали проблема» тўғрисида айтган гапларга ҳеч ким ишонмади. Британия бош министри бундай деган эди: «Менинг шерикларим ва мен ғоят ачиниб, конституциянинг амалда бўлишига чек қўйдик. Бу бизга мажбуран қабул қилдирилган қарор эди ва биз бундай қарорга келишдан бўйин товламадик. Бу қарор 1968 йилга бориб мустақиллик бериш тўғрисидаги қатъий режамизга хилоф эмас».

Бунда қандай мустақиллик тўғрисида гап боряпти? Британия томонидан қўйиладиган шартларга мувофиқ мустақиллик бериш тўғрисида боряптими? Адан ва Адан протекторатидаги халқлар бундай мустақилликни рад этмоқдалар, Арабистон ярим оролининг жанубида яшовчи барча халқлар бундай мустақилликни рад этмоқдалар, ер юзида халқлар озодлигининг қадрига етадиган барча кишилар буни рад этмоқдалар. Адан халқи ва Арабистон ярим оролининг жанубида яшовчи халқлар сохта мустақилликни эмас, балки чин мустақилликни, ҳокимиятни қўғирчоқлар қўлига эмас, балки халқ қўлига ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган қарорлар асосида сайланган қонуний вакиллари қўлига топширадиган мустақилликни талаб қилмоқдалар. Англия ҳукумати ўзининг мустамлакалар министри жаноб Гринвуд орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Адан масаласи қақидаги қарорларини амалга ошириш ниятида эмаслигини билдирди.

Англия ҳукуматининг шундай йўл тутишига сабаб нима? Консерваторлар каби лейбористларнинг империализм ҳам айни бир хил фактор лар билан — Британия монополияларининг манфаатлари ва бу районнинг империализм учун ҳарбий-стратегия аҳамияти билан белгиланаётганлигини тушунмоқ учун катта фаросатга эга бўлиш шарт эмас.

Буюк Британиянинг Араб Шарқида ўтказиб келаётган сиёсатини ҳаракатга келтирувчи кучларнинг бири нефтдир.

Нефть империализмидан ҳам очкўз ва жиноий империализм йўқ, дейдилар. Бу империализм гигант нефть монополияларига эгадир. Бу монополиялар янги ресурсларни агрессив тарзда қидириб топишга уринмоқдалар, нефтни ташиш, чиқариб олиш ва тозалаш учун чексиз ҳуқуқларни қўлга киритишга интилмоқдалар, улар ҳукуматлар билан маҳкам алоқа боғламоқдалар ва ўз шахсий манфаатларига бу ҳукуматларнинг ҳар қандай йўллар билан ёрдам кўрсатиши учун зўр бериб товламачилик қилмоқдалар.

Эрон кўрфази мамлакатларининг бир ўзидаги нефть концессиялари катта нефть бизнеси учун чинакам олтин конидир. Дарҳақиқат, бутун Яқин Шарқда нефть чиқариш учун сарфланган капитал маблағларнинг умумий қиймати 1960 йилнинг охирига келиб 1,8 миллиард долларни ташкил этди, 1951 йилдан тортиб 1960 йилгача 10 йил ичида эса монополистлар мазкур районда нефть чиқаришдан 8,7 миллиард доллар фойда қилдилар. Бу Яқин Шарқнинг нефть чиқариш саноатига сарфланган барча маблағлар миқдоридан 4,5 баравар ортиқдир. Бунинг маъноси шуки, нефть монополиялари ўз харажатларини кўпдан-кўп доладилар ва нефть қудуқларидан нефть эмас, балки образли қилиб айтганда, соф тилла олмоқдалар.

Буюк Британия ва унинг иттифоқчилари жаҳоннинг шу районида қилаётган ишларининг чин боиси — бу фойдаларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришдан иборат. Буюк Британиянинг Арабистон ярим ороли жанубида ўз молмулкларидан воз кечишни қайсарлик билан истамаётганлигига асосий сабабларнинг бири шудир.

Аданнинг ҳарбий-стратегик аҳволи Буюк Британиянинг Арабистон жанубида ўтказиб келаётган сиёсатини изоҳлаб берувчи яна бир муҳим сабабдир. Англия бош министрининг 1964 йил 16 декабрда қилган баёнотини жуда характерли баёнот деб ҳисоблаш керак: «Мен шу нарсани равшан қилиб тушунтириб бермоқчимаз... Биз жаҳонда ўйнаётган ролимиздан, баъзан қисқа қилиб «Сувайшдан шарққа томон» деб аталган ролимиздан воз кечишни ўзимизга эп кўрмаймиз. Бу ролни бажармоқ учун биз ҳозир эгаллаб турган базаларнинг ҳаммасини бўлмаганда ҳам, кўпчилигини ўз қўлимизда сақлаб туришимиз керак».

Инглизларнинг сўнгги солдати Сувайш канали зонасидан, сўнгра эса, Кениядаги базадан ҳам чиқиб кетганидан кейин, Адан инглиз базалари ҳалқасида энг муҳим таянч пункти, Британия мустамлакачиларининг Араб Шарқидаги миллий озодлик ҳаракатига қарши олиб бораётган курашида қалъа бўлиб қолди. Ўтган йили ноябрь ойида Бельгия парашютчиларини Америка самолётларида Стэнливилга (Конго) юбориш учун Англиянинг мустамлакаси Мерож оролидан истифода қилинганлиги мустамлакачиларнинг мустамлакалардаги миллий озодлик ҳаракатларига қарши кураш учун бундай базалардан қандай фойдаланаётганликларини ёркин исбот этади. Инглиз базаси, Америка самолётлари, Бельгия парашютчилари — озодлик ва мустақиллик йўлидаги халқ ҳаракатларини бўғиб ташлаш учун биргаликда қилинаётган хуружларни кўрсатувчи мисол ана шудир. Аммо, Адандаги ҳарбий базадан Арабистон ярим оролидаги мустамлака халқларига қарши кураш учунгина фойдаланиб қолинмаётир; бу базадан қўшни мустақил давлатларга қарши ва, аввало, Яман Араб Республикасига қарши агрессия қилиш учун ҳам фойдаланилмоқда. Буни исбот этувчи фактлар жуда кўп.

Буюк Британиянинг Аландаги ва Жанубий Арабистондаги сиёсатини, Аланда ҳозирги воқеаларнинг рўй беришига олиб келган сиёсатни белгиловчи, ҳаракатга келтирувчи асосий икки куч шундан иборат.

Ранс жаноблари!

Совет делегацияси биз муҳокама қилаётган масаланинг моҳияти ҳаммага етарли даражада аён, деб ҳисоблайди. Биз бунда тинч мустамлакачилик сиёсатини кўриб турибмиз. Биз кеча комитетда Буюк Британия вакили Браун жаноблари нинг гапларини эшитдик. Браун жаноблари нинг бу гаплари, унинг исташи ёки истамаслигидан қатъи назар, бу ҳулосанинг тўғрилигини ва уни ҳеч рад этиб бўлмаслигини яна бир марта тасдиқлади. Жаҳон жамоатчилик фикри бундай сиёсат ва практикани қатъиян қораламоқда. Бу эса мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги маълум декларацияда ўз ифодасини топди. Адан ва Жанубий Арабистон халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустамлакачилик режимидан озод бўлиш ҳуқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1963 йил 11 декабрдаги 1949-резолюциясининг 4-моддасида ҳам таъкидланди.

Мазкур резолюция қабул қилинган пайтдан буён кўп вақт ўтганлигини, Адан ва Жанубий Арабистон халқини мустақиллик йўлидан олға бостириш иши ҳеч силжимаганлигини эътиборга олиб, комитет бу сафар ана шу территория халқининг интилиш ва орзу-тилакларига жавоб бераднган қатъийроқ қарорни қабул қилишни Бош Ассамблеяга тавсия этиши зарур.

Бизнинг фикримизча, Адан ва Арабистон жанубининг ўз ҳуқуқлари учун ва мустақиллик учун курашаётган халқига ёрдам кўрсатиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозирги вазиятда қандай чораларни кўрмоги керак?

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шу районда яшовчи халқнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашини қонуний ва адолатли кураш, деб ҳисоблаётганлигини очиқ ва қатъий қилиб айтиши лозим ва барча давлатларни бу курашга маънавий жиҳатдан ҳар қандай ёрдам кўрсатишга ва уни қўллаб-қувватлашга даъват этиши керак, деб ҳисоблаймиз. Мустамлакачи давлат томонидан бу территория халқига қарши қилинаётган террор ва боскинчилик сиёсати қораланси ва бу сиёсат дарҳол тўхтатилсин, деб талаб этилсин. Инглиз қўшинлари ва қурол-яроглари Аландан ҳамда Жанубий Арабистоннинг бошқа қисмларидан олиб чиқиб кетилсин ва Аландаги ҳамда Арабистон ярим оролига туташ бўлган ороллардаги ҳарбий базалар тамомила тугатилсин, деб талаб қилиш керак. Англия ҳукуматига мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Адан масаласи юзасидан чиқарган бошқа қарорларини сўзсиз ва дарҳол бажариш таклиф этилсин.

Совет Иттифоқи делегацияси комитет Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Адан масаласини Хавфсизлик Кенгашида қараб чиқишни илтимос қилиши керак, деб ҳисоблайди, токи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Адан масаласи юзасидан чиқарган қарорларини амалга ошириш учун Уставда белгиланган зарур чоралар кўрилсин.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва шимолий Бухоро областларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шимол ва ғарб томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади, ҳарорат 7-12 даражага боради.

Ўзбекистоннинг бошқа областларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Секундига 3-7 метр тезликдаги шамол оқими ўзгариб туради, 12-17 даража иссиқ бўлади. Жануб томонда ҳарорат 22 даражага етади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб, ёмғир ёғади. Секундига 3-7 метр шамол эсади, ҳарорат 14-16 даражага етади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ҲИНДИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Ҳиндистондан келган меҳмонлар — Ҳиндистондаги штатлар қонун чиқарувчи мажлисларн депутатлари делегацияси аъзоларининг мамлакатимиз бўйлаб қилаётган сафарини дўстлик миссияси деб атамоқдалар. Меҳмонлар Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари ва интеллигенциясининг яратувчилик меҳнати билан ғоят қизиқиб таништмоқдалар.

Орженикидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари дўст мамлакат вакилларини шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар. Улар меҳмонларга ўзларининг кўп тармоқли хўжаликларини кўрсатдилар, етти йиллиқнинг якунловчи йилида қўлга киритган ютуқларини гапириб бердилар.

— Биз ўзбек деҳқонлари билан таништганимиздан бахтиёрмиз. Колхоз тузумн — энг илғор тузум эканлигини уларнинг ишлари кўрсатиб турибди, — дейди делегация бошлиғи, Ҳиндистон парламент ишлари ва алоқалари министри Сатья Нарайан Синха.

Ҳиндистон министри Совет Шарқида эришилган тараққиётнинг катта аҳамиятини таъкидлайди. У айтадики, икки қитъа — Европа ва Осиёда буюк давлат бўлган Совет Иттифоқи ўз экономикасини ниҳоятда тез юксалтириш билан Осиё мамлакатларидаги халқларнинг ҳаётида катта таъсир кўрсатмоқда, ана шу халқлар ўз хўжалигини ўстириш учун қандай имкониятларга эга эканлигини уларнинг кўзига кўрсатиб қўймоқда. Баъзи одамларнинг Совет Иттифоқи Осиёга алоқаси йўқ давлат деган гапларн бемаъни даъвопардир. Совет Иттифоқи — Осиёнинг энг ривожланган қисми бўлиб, Осиё халқларининг машъалидир. Совет Шарқидаги экономиканинг тараққиёти Ҳиндистон учун яхши намуна ҳисобланади.

Меҳмонлар Ўзбекистон билан танишишни давом эттириб, Чирчиққа бордилар ва у ерда электр химия комбинатини кўрдилар. Улар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари, янги қурилишлар билан ҳам танишдилар.

Ҳиндистон вакиллари 21 октябрь куни кечқурун Навоий номли ўзбек академик опера ва балет театрида «Майсаранинг иши» спектаклини томоша қилдилар.

Делегация аъзолари 22 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Секретари Р. Сахибоев билан бирга Самарқандга бордилар. Самарқанд аэродромида шаҳар ва областнинг раҳбар ходимлари, жамоатчилик вакиллари уларни самимий кутиб олдилар.

Ҳиндистонлик меҳмонлар Самарқандниг тарихий обидаларини кўздан кечирдилар, шаҳарнинг ҳозирги ҳаёти билан таништилар. (ЎзТАГ).



Суратда Ҳиндистон делегациясининг аъзолари Чирчиқ электр химия комбинатида.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети бир қанча доимий комиссияларининг навбатдаги мажлислари бўлиб ўтди.

Қишлоқ хўжалик комиссияси «КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қарорлари асосида чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва чорва туёғини ўстириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори қандай бажарилаётгани ҳақида «Узсельхозтехника» бирлашмаси билан республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг ҳисоботларини муҳокама қилди.

Коммунал-хўжалик ва машиний хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, табиатни ва ёрости бойликларини муҳофаза этиш доимий комиссияларининг қўшма мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Ўзбекистон ССРда шаҳарлар, район марказлари, шаҳар посёлкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларда қурилиш ва ободончилик ишларини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани ҳақида Сирдарё область ижроия комитетининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Транспорт, алоқа ва йўл хўжалиги доимий комиссияси ўз мажлисини Бухоро областида йўл қурилишининг аҳволини ва Ҳоразм областида алоқа воситаларини яхшилаш чораларини муҳокама қилишга бағишлади.

Маданий-оқартув ишлари комиссияси республикадаги кино шохобчаларининг иши ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. (ЎзТАГ).

ХРОНИКА

Ўртоқ В. А. Билбас бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри вазифасидан озод қилинди.

РАДИО

23 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт (Ўзб.), 6.45 — Гимнастика (Ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси (Ўзб., рус.), 8.25 — Концерт (Ўзб.).

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ленин байроғи», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Увертюралар, 9.45 — «Зарбдор фронт қаҳрамонлари» (тож.), 10.10 — Фортепьяно учун 2-концерт (рус.), 10.30 — Ўзбек салетларидан куйлар, 11.10—Халқ контроли амалда (Ўзб.), 11.25 — Композитор Д. Соатқулов асарлари, 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.), 12.30 — Концерт, 12.50 — Қозоғистон радиоси эшиттирини (Ўзб.), 13.00 — Чорвадорлар учун (қоз.), 13.40 — Концерт (рус.), 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (Ўзб.), 16.15 — Ёшлар учун (Ўзб.), 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Фортепьяно учун концерт (рус.), 18.30 — Икром Акбаров. Эпик поэма (Ўзб.), 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00—«Ёшлик» радиостанцияси (Ўзб.), 20.15 — Эстрада концерти (рус.), 21.20 — Музикали эшиттириш (Ўзб.), 22.00 — Телетайп лентасидан (Ўзб.), 22.50 — Эртаги кун эшиттиришлари (Ўзб., рус.), 23.10 — Музикали радиокомпозиция (Ўзб.).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Подачи қиз ва мўри тозаловчи** (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.40 — **Валентин Серов** (ҳужжатли фильм), 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — **Реклама ва эълонлар**, 18.20 — **«Октябрь» программаси** (Улуг Октябрнинг 50 йиллиги олдидан).

Ўзбек тилида: 18.50 — **Телевизион миниатюралар («Ёшлик» студияси).**

Рус тилида: 19.30 — **Музикали фильмлар**, 20.00 — **Киножурнал** ва **Она ва ўгай она** номли бадиий фильм. 21.30 — **Сўнгги янгиликлар.**

21.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.45 — **Машина терими қақрамонлари шон-шараф**, 22.05 — **«Оқ олтин» ўлкаси қўшиқлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/X да **Семург**, 24/X да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—23/X да **Қотил**, 24/X да қундуз **Биринчи муҳаббат**, кечқурун **Қонли сароб.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузия цирки артистларининг гастроли.** 24/X да 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз совт 12, 3 ва кеч 8 да.

КИНО

Антёр — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Капитан Нуль — «ДРУЖБА» (2-зала), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 5 гача).

Қора бахмал — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), ёзги НАВОИЙ номли (кечқурун).

Земляниказор — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Биби Марям ибодатхонаси (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Аёзбобо — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 да).

Козара (кундуз соат 2 яримда Ўзбек тилида), **Телба** (кеч 6 яримда) — НАВОИЙ номли.

Истеъдод — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да).

Гирдоб — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 6-45 минутгача), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз 12, 5 ва кеч 10 да).

Галапагос — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 7 да.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Моримото Каору асари

Ўғирланган умр

3 пардали драма.

А. Абдуллаев таржимаси.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Т. Ҳўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Визель.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

Грузин цирки артистларининг иштироки билан

болалар томошалари

4, 5, 6, 9, 10/XI да кундуз соат 12, 7/XI да кундуз соат 12 ва 4 яримда, 8/XI да кундуз соат 12 ва 3 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 249. ИНДЕКС 64543. Р 01276.